*Ҳаксевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2016 йил
**17 декабрь**
ШАНБА
**№ 101** (12945)

www.thtp.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ*

## Ш. Ҳ. БОБОЕВНИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ:

Шукурулло Ҳабибуллаевич Бобоев Тошкент вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 15 декабрь

## ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ИФОДАСИ

*Куни кеча муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасини катта қизиқиш ва эътибор билан эшитдик. Давлатимиз раҳбари, аввало, яқинда бўлиб ўтган муҳим сиёсий жараён – Президент сайлови партиялар ўртасида соғлом рақобат асосида миллий қонунчилигимиз талаблари, сайлов бўйича умумэътироф этилган халқаро стандартларга тўла мос ҳолда, эркинлик ва очиқлик руҳида ўтганини таъкидлади.*

### 2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

Хусусан, сайловда 5 та нуфузли халқаро ташкилот, 46 та давлатдан 600 нафарга яқин кузатувчи қатнашгани, айниқса, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг тўлақонли миссияси биринчи марта юртимизга ташриф буюриб, сайлов жараёнларини кузатиб борганини эътироф этиш лозим. Президент сайлови халқимиз ўз хоҳиш-иродасини, юксак сиёсий онги ва фаол фуқаролик позициясини ёрқин намоён этганлиги, ўз навбатида, эл-юртимизнинг ўз тақдири ва келажагига катта ишонч ва масъулият билан қараётганини яна бир бора исботлади.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда 2017 йилни мамлакатимизда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб номлашни таклиф қилди. Мана, йигирма беш йилдирки, Ўзбекистон Республикаси "Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари – олий қадрият" тамойилига содиқлигини намоён этиб келмоқда. Бир пайтлар хорижий мамлакатларнинг инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликлари ҳимоясини таъминлаш борасидаги тажрибасини ўрганган бўлсак, бугунги кунга келиб бошқа давлатлар биздан андоза олаяпти, десак асло муболаға бўлмайди.

Инсон манфаатларини таъминлаш учун эса, аввало, одамлар билан, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яқиндан билиш асосий мезон ҳисобланади. Бунда Президентимиз Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек, халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак.

Мухтасар қилиб айтганда, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, ҳуқуқий-демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларга муносиб ҳисса қўшиш, давлат ҳамда жамиятда қонун устуворлигини мустаҳкамлаш барчамизнинг зиммамизга улкан масъулият юклайди. Биз бундан кейин ҳам ана шу масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, истиқлол туфайли қўлга киритилган улкан муваффақиятлар кўламини янада кенгайтириш, халқимизнинг ҳаётини юксалтириш, асосийси, ҳамма жабҳада ҳамиша адолат тамойилларини қарор топтириш она Ватанимиз олдидаги энг муқаддас бурчимиз эканини ҳеч қачон ёддан чиқармаймиз.

**Жамшид ПИРМАТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

*2016 йил 15 декабрь куни Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.*

*Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.*

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилоятида саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги тармоқларида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқларда замонавий уйлар барпо этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш борасида, ижтимоий соҳаларда муайян натижаларга эришилаётганини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича йирик лойиҳаларни бошлаб берган Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг улкан хизматлари ҳақида алоҳида тўхталди.

Жорий йилнинг ўтган 9 ойида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиши 106,9 фоизни, жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 106,8 фоиз, хизмат кўрсатиш ҳажми 116,3 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 6,4 фоизга ўсиши таъминланди.

Вилоятда амалга оширилаётган ишларни қайд этиш билан бирга, галдаги вазифалар, ечимини кутаётган муаммолар хусусида ҳам атрофлича сўз юритилди.

Қишлоқ хўжалигини босқичма-босқич ислоҳ қилиш, фермер хўжаликлари экин майдонларини оптималлаштириш асосида йириклаштириш, уларнинг молиявий-иқтисодий аҳволини янада яхшилаш лозим. Пировардида қишлоқ аҳолисининг даромади ва турмуш даражасини ошириш, қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, замонавий инфратузилмаларни янада ривожлантириш имконияти кенгаяди. Бу борада Тошкент вилоятида барча имкониятлар мавжуд, деди давлатимиз раҳбари.

Пойтахт вилояти ерининг унумдорлиги, ҳосилдорлиги билан республикамизнинг бошқа ҳудудларидан ажралиб туради. Бу имкониятдан самарали фойдаланиш учун ерни ҳақиқий деҳқонга, фермер бўламан, деб кўзи ёниб турган миришкорларга бериш керак. Деҳқон бой бўлса, давлат бой бўлади, деди Президентимиз.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 9 сентябрдаги "2016 – 2018 йилларда Тошкент вилояти шаҳарлари ва туманларини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарори пойтахт вилоятини ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиши алоҳида қайд этилди.

Танқид ва таҳлил руҳида ўтган йиғилишда Президентимиз Тошкент вилояти ёшларини иш билан таъминлаш борасида сусткашликка йўл қўйилаётгани, коллеж ўқувчиларининг давомати назоратсиз қолаётганини қайд этар экан, мутасаддилар бу масалага алоҳида эътибор қаратиши зарурлигини таъкидлади.

Вилоят ҳудудида фойдаланилмай турган бино ва иншоотларни инвестиция киритиш шарти билан "ноль" қийматда сотиш бўйича берилган топшириқларни ўз вақтида бажармагани учун Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Д. Ҳидоятовга ҳайфсан берилди.

Тошкент вилояти – катта иқтисодий салоҳиятга, улкан имкониятларга эга ҳудуд. Замонавий саноат тармоқларини ривожлантириш, халқаро бозорда рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган янги корхоналар барпо этиш ва мавжуд қувватларни модернизация қилиш бугунги куннинг долзарб масаласидир. Экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини экспорт фаолиятига жалб этишни муттасил ошириб бориш зарур, деди Президентимиз.

Йиғилишда вилоятни барча соҳаларда янада ривожлантириш, саноат салоҳиятини ошириш, ижтимоий инфратузилмасини модернизация қилиш масалалари таҳлил этилди. Тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларига мавжуд камчиликларни бартараф этишга доир кўрсатмалар берилди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Бошқа ишга ўтгани муносабати билан Ислом Эргашхўжаев вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи вазифасидан озод этилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев тавсиясига биноан Ангрен шина заводи директори лавозимида ишлаб келаётган Шукурулло Бобоев Тошкент вилояти ҳокими этиб сайланди.

Меҳнат фахрийси Уммат Мирзақулов, "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамияти директори Александр Фармонов, Пискент тумани ҳокими Акмалжон Исабоев ва бошқалар Президентимиз нутқида Тошкент вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари ҳар томонлама чуқур таҳлил этилиб, истиқболдаги долзарб вазифалар аниқ белгилаб берилганини, вилоят аҳли билдирилган фикрлардан тўғри хулоса чиқариб, ислоҳотлар самарасини янада юксалтириш, барча соҳа ва тармоқлар бўйича қабул қилинган дастурларни изчил амалга ошириш учун астойдил меҳнат қилади, деб таъкидлади.

**А. ЎРОЗОВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**

## ИССИҚХОНА – РИЗҚХОНА

Уларда етиштирилаётган маҳсулотлар йилнинг тўрт фаслида ҳам юртимизда, бозорларимизда тўкинлик ва арзончиликни таъминлашга хизмат қилаётир



Вилоятимизда ички истеъмол бозорини арзон ва сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан тўлдириш мақсадида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар самарасида бозорларимизда мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларининг мўл-кўллиги, нарх-навонинг барқарорлиги таъминланаётир. Бундай барқарорлик ва тўкинликни таъминлашда қибрайлик деҳқону тадбиркорларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Туман фермерлар кенгаши раиси Ниғмат Соатовнинг айтишича, айни кунда бу ерда бир минг олти юздан зиёд фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Ушбу хўжаликларнинг асосий қисми мева-сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган. Улар томонидан етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг муайян қисми доимий равишда пойтахтимиздаги деҳқон бозорларига етказиб берилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, вилоятимиз нафақат ўз аҳолисининг, балки азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида яшаётган икки ярим миллион аҳолининг ҳаётий талаб ва эҳтиёжларини ҳам таъминлашда беқиёс ўрин тутади. Бунда қибрайликларнинг алоҳида фаоллигини кўриш мумкин.

Давоми 2-бетда.

### Маънавият

*Ҳаётда шундай ҳолатлар бўладики, одам ўқиган китобларидан, кўрган фильмларидан таскин ахтаради. Қаҳрамонларнинг ўй-хаёллари қалбини емириб бораётган кемтикликларни тўлдиради. Қани энди, ҳамма ўқиётган китобларимиз, кўраётган фильмларимиз ўша юксакликда бўлса-ю, руҳиятимизни кўтарса, юракдаги дардларни аритиб юборса...*

## ҲАЁТГА ЯҚИН МАНЗАРАЛАР

Кейинги пайтда телевидение орқали кўплаб хориж фильмлари қайта-қайта намойиш этилмоқда. Бу билан чет элдан кириб келаётган ҳамма фильмларнинг мазмунига юқори баҳо беролмаймиз. Лекин шундайлари ҳам борки, уларнинг маҳоратига тан бермасликнинг иложи йўқ. Масалан, япон кино ижодкорлари суратга олган "Ошин" телесериали кўпчилик томошабинларда чуқур таассурот қолдирган. Сабаби, унда ҳаёт ҳақиқати билан бирга инсоннинг тафаккури ва орзуси мавжуд.

Маълумки, сериалнинг асосий қаҳрамони тиниб-тинчимас, қалби пок, меҳри дарё япон аёли Ошин. Биргина шу содда ва самимий образ орқали япон халқининг ўз миллий анъаналарини тиклаш йўлидаги изланиши ва машаққатли меҳнати очиб берилган. Урушнинг инсон табиатига, айниқса, аёл руҳиятига салбий таъсири аниқ тарихий ҳужжатларга асосланган ҳолда кўрсатилган.

Давоми 4-бетда.

## СОБИТҚАДАМЛИК САОДАТИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида белгилаб берилган аниқ вазифалар биз, депутатлар зиммасига жуда катта масъулият юклади.*

### Муносабат

2017 йилни "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб номланиши Парламент олдига, келгусида қабул қилинаётган қонунларда халқ фикри ва истагини акс эттириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига хизмат қиладиган, ислоҳотлар самарасини янада оширишга ҳуқуқий асос бўладиган қонунлар ишлаб чиқиш, тегишли давлат идоралари раҳбарлари ахборотларини эшитиш каби ваколатлардан кенг фойдаланишга оид вазифаларни қўйди.

Шунингдек, маърузада олдимизга қўйилган стратегик мақсадлар ҳақида, яъни мамлакатимизни замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига олиб чиқиш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиши ва аҳоли бандлигини таъминлаш тизимларини такомиллаштиришнинг замонавий усулларини жорий этиш энг муҳим устувор йўналишлар сифатида қайд этилган.

Бугун жаҳонда рўй бераётган ва ҳали-бери охири кўринмаётган молиявий-иқтисодий инқироз оқибатида кўплаб мамлакатларда ишсизлик кескин ошиб бормоқда. Жиддий ижтимоий-иқтисодий муаммоларга дуч келинаётган бундай оғир шароитда, юртимизда юқори ўсиш суръатларини таъминлаш, шу билан бирга, иш жойларини нафақат сақлаб қолиш, балки сезиларли даражада кўпайтиришга қаратилган чора-тадбирлар инсон манфаатларини кўзлаб амалга оширилаётир. Ҳар йили қабул қилинадиган "Аҳоли бандлиги" Давлат дастури ижросини таъминлашда Парламентнинг ўрни беқиёсдир.

Шунингдек, маърузада таъкидланганидек, давлат бошқаруви тизимини бугунги ва эртанги кун талабларидан келиб чиқиб янада такомиллаштириш мақсадида 2017-2021 йилларга мўлжалланган маъмурий бошқарув соҳасидаги ислоҳотлар концепциясини қабул қилиш давлат бошқарув органлари тизимлари, уларнинг вазифа ва ваколатларини янада мақбуллаштириш имконини беради.

Албатта, республика Президенти маърузасида белгилаб берилган вазифалар эл-юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқимиз турмуш фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади.

**Акмал УМАРАЛИЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

### Тадбир

*Ўрта Чирчиқ туманида вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида "Либос – инсон қалбининг кўзгуси" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.*

## ЛИБОС – ҚАЛБ КЎЗГУСИ

Унда хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, маҳалла маслаҳатчилари, халқ таълими ходимлари ва ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева либоснинг инсон ҳаётидаги ўрни ҳақида сўзлар экан, инсонийликнинг муҳим омили – ёшларнинг, айниқса, қизларнинг кийиниш маданияти, унинг ички дунёси, қолаверса, оиласидаги тарбиянинг кўзгуси эканини таъкидлади.

Тадбирда ўзбекона ҳаё, иффат белгиси бўлмиш миллий-замонавий либосларни ёшларга тавсия этишда, аввало, катталар, уйда оналар, таълим муассасаларида ўқитувчи ва устозлар ибрат бўлиши кераклигига урғу берилди.

**Сайёра ЭШМАТОВА.**

# ИССИҚХОНА – РИЗҚХОНА

Ҳозирги кунда бир юз йигирма етти нафар қибрайлик фермер ва тадбиркорнинг иссиқхонаси бор. Уларнинг 144 гектарли табиий иситиладиган оддий ва такомиллашган конструкцияли иссиқхоналарида помидор, бодринг, кўкатлар, лимон, булғор қалампири, бақлажон ва бошқа маҳсулотлар етиштирилмоқда.

Бу ердаги "Ёнариқ Юсупов Манноп" фермер хўжалигига тегишли ернинг 1,20 гектари иссиқхонага айлантирилган. Унга кириб, ташқарида қиш ҳукмронлигини ҳам маълум вақт унутдик – 20-25 даража иссиқ. Қип-қизил пишган "Лямия" навли помидор кўзни қувонтиради.

– Шу кунларда ҳосили йиғиштириб олинаётган помидор август-сентябрь ойларида экилган, – дейди фермер хўжалиги иш юритувчиси Бекзод Юсупов. – Белгиланган агротехник тадбирларни вақтида, сифатли бажарганимиз учун ҳосилдорлик юқори бўлди. Бу халқимиз дастурхонини қишин-ёзин арзон ва сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш учун биз, фермерларга давлатимиз томонидан яратиб берилаётган шарт-шароитлар самарасидир.

Янги йилга ҳам саноқли кунлар қолди. Халқимиз байрам дастурхонининг янада тўкин бўлишига муносиб ҳисса қўшиш ниятида меҳнат қилаётган "Ёнариқ Юсупов Манноп" фермер хўжалиги ишчиларининг аксарияти ёшлар.

– Коллежни тугатиб, шу ерда иш бошлаганимга бир йилдан ошди, – дейди улардан бири Моҳира Сарисоқова. – Ишим ўзимга ҳар жиҳатдан маъқул келмоқда. Уйимизни ишхонага яқинлиги келиб-кетишга қулайлик туғдираётир.

Қибрайдаги "Нуримов Мусо ота" масъулияти чекланган жамиятининг икки гектарли иссиқхонасига ўтган йили экилган "Лямия" навли помидордан 40, "Мултистар" навли бодрингдан 35 тонна ҳосил олинди. Иссиқхонада иш билан банд ўн нафардан ортиқ ишчининг моддий манфаатдорлиги ҳам шунга яраша бўлди.



– Йилига икки марта ҳосил оламиз, – дейди жамият раиси Ҳамидулла Мусабоев. – Август ойида экилган помидор ноябрнинг охирида пишиб-етилади. Ҳосилини декабрь-январь ойлари 7-8 мартагача териб оламиз. Ўрнини эгаллайдиган бодринг Наврўз байрами арафасида тайёр бўлади, март-апрель ойларида сотувга чиқарилади – истеъмолчиларга пешма-пеш етказиб берилади.

Мазкур иссиқхоналарда томчилатиб суғориш усулидан кенг фойдаланилмоқда. Уларни Тошкент иссиқлик электр станцияси иссиқлик билан таъминлайди.

Таъкидлаш жоиз, туманда соҳа ривожи ва ҳосилдорликни оширишда фермер ва тадбиркорларга тегишли тартибда сифатли ва кафолатли сабзавот уруғи ва кўчатлар, агротехник тадбирлар учун зарур минерал ва органик ўғитлар, кимёвий препаратлар етказиб берилаётгани ўз самарасини кўрсатаётир.

Маълумотларга кўра, жорий йил вилоятимиздаги 1 минг 182 гектарни эгаллаган иссиқхоналарда 42 минг 535 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари йиғиб-териб олинган. Унинг қарийб олти ярим минг тоннаси ички истеъмолга йўналтирилган бўлса, 10 минг 73 тоннаси Тошкент шаҳрида ташкил этилган ярмаркаларни тўлдирди. Иссиқхоналарда етиштирилган маҳсулотнинг 29 минг 367 тоннаси, бошқача айтганда, қарийб 70 фоизи экспорт қилингани эътиборга молик.

Мавзуга оид яна бир маълумот: 2017-2021 йилларда вилоятимизда иссиқхоналар қуриш бўйича тўқсон саккизта лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилмоқда. Бунинг натижасида мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилади.

Мухтасар айтганда, бу борада амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ҳудудларимизда иссиқхоначиликни жадал ривожлантириш, уларда етиштирилаётган маҳсулотлар сифатини янада ошириш, бозорларимизда йил давомида ҳамёнбоп ва сифатли маҳсулот сероблигини таъминлаш, экспортни кўпайтириш, аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтириш, янги иш ўринлари очиш имконини бериши шубҳасиз.

**Холмурод САЛИМОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
*Мансур НАХАЛОВ олган суратлар.*

Бошланиши 1-бетда.

□ Интилиш

*Пискент туманида боғдорчилик ва сабзавотчиликни ривожлантириш, хусусан, пахтадан бўшаган майдонларга, боғ-ток ораларига экспортбоп қишлоқ хўжалиги экинлари экиш ва етиштиришни кенгайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.*

## «ТЎҚСОНБОСДИ» – КОНИ ФОЙДА

Буни амалга оширишда қишлоқ хўжалиги соҳасида тўқсонбосди усулидан кенг фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Жойларда мавзуга оид бир қатор назарий семинарлар ташкил этилди. Бу усулда экин экишнинг афзаллик томони шундаки, кеч кузда экилган уруғнинг баҳорда униб чиқиши ва ривожланиш жараёни бир ой илгарига сурилади ҳамда ҳосилдорлик 20-22 фоиз юқори бўлади.

Маълумки, қадимдан ота-боболаримиз деҳқончилик қилиб келган бу усулда ҳосил кеч йиғиштириб олинган бўш ерларга, асосан, пиёз, сабзи, кўкатлар ва резаворлар экилган ва йил давомида икки марта, баъзи тезпишар экинларни уч маротаба экиб, мўл ҳосил олиш имконини берган.

Туманда 2017 йил ҳосили учун 271 та фермер хўжаликларига қарашли 3146 гектар майдонга тўқсонбосди экилмоқда. Экинларнинг 96 фоизи очиқ майдонларга, қолган қисми боғ ва ток қатор ораларига экилади. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, бу туман миришкорларига 45 тоннадан ортиқ эртаки ҳосил етиштириш учун замин яратади.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

# ЭКСПОРТЧИ ФЕРМЕРЛАР САФИ КЎПАЯДИ

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ташкил этган анжуманда давлат эҳтиёжлари учун мева-сабзавот маҳсулотлари харид қилиш контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш ҳақида сўз юритилди.*

□ Анжуман

Таъкидланганидек, мустақиллик йилларида мазкур соҳани янада ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Хусусан, "Мулкчилик тўғрисида", "Деҳқон хўжалиги тўғрисида", "Фермер хўжалиги тўғрисида", "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар ва тегишли меъёрий ҳужжатлар қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга хизмат қилмоқда.

Тадбирда асосий эътибор Биринчи Президентимизнинг 2016 йил 12 апрелдаги "Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг мазмун-моҳиятига қаратилди. Мазкур Қарорга мувофиқ, қайта ишлаш корхоналарини хом ашё билан мунтазам таъминлаш, ички истеъмол бозорини йил давомида мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари ва узум билан тўлдириш, шунингдек, ташқи бозорларда харидоргир ва рақобатбардош бўлган хўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишни кўпайтириш мақсадида 2016 йилдан бошлаб мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум харид қилиш бўйича давлат буюртмаси жорий этилди.

Эндиликда, хўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари "Ўзагроэкспорт" ташқи савдо компаниясининг хорижий шериклар билан тўғридан-тўғри тузган экспорт шартномалари, шунингдек, фермер ва деҳқон хўжаликлари, агрофирма ва қайта ишлаш корхоналари ўртасида тузиладиган воситачилик шартномалари асосида экспорт қилинади.

**Ўз мухбиримиз.**

□ Ангрен томонларда...

*Бугунги кунда жамиятимизнинг асосий негизи ҳисобланган мустаҳкам оила қуриш, ҳар бир фуқаронинг дунёқарашида соғлом турмуш тарзига тўғри муносабатни шакллантириш энг долзарб масалалардан биридир. Бу борада Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан вилоятимизда ҳам тизимли иш олиб борилмоқда.*

## СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРҒИБОТИ

Ангрен шаҳрида "Соғлом оилага – маънавияти соғлом авлод билан" лойиҳаси бўйича ташкил этилган тадбир ҳам шулар сирасидандир. Мазкур лойиҳанинг асосий вазифалари вилоят аҳолисининг тиббий саводхонлигини ошириш, соғлом фарзандни дунёга келтириш ҳақида тиббий маслаҳатлар бериш, мутахассислар иштирокида эрта ҳамда қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш борасидаги хайрли саъй-ҳаракатларни ўз ичига олади.

– Бугунги кунда оилавий поликлиникамиз 42 минг 643 аҳолига хизмат қилади. Ушбу дастурга доир маълумотлардан келиб чиққан ҳолда барча умумий амалиёт шифокорлари ва патронаж ҳамшираларимиз томонидан белгиланган тартибда хонадонларда тушунтириш ишларини олиб бормоқдамиз. Ҳаракатларимиз халқимизнинг соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашдек қутлуғ ниятига айни ҳамоҳангдир, – дейди шаҳар тўртинчи оилавий поликлиникаси бош шифокори Ҳилола Кунишева.

Ёшлар ўртасида ўзаро фикр-мулоҳазаларга бой тарзда кечган тадбир вилоят "Ижтимоий ҳимоя" жамияти, Ангрен шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, ўрта-махсус касб-ҳунар таълими муассасалари, тиббиёт бирлашмаси ҳамда Саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят бўлими, шунингдек, ўзини ўзи бошқариш идоралари ҳамкорлигида ташкил қилинди.

Тадбир сўнгида иштирокчиларга грант лойиҳаси асосида тайёрланган махсус дастурий қўлланма ва буклетлар тарқатилди.

**Абдулазиз МУСАЕВ.**

## ИНСТИТУТ ВА КОЛЛЕЖ ҲАМКОРЛИГИ

ўқувчиларнинг фанларни чуқур ўзлаштиришлари ва малакали мутахассис бўлиб етишишларига хизмат қилади

Ангрен тиббиёт коллежида ўқувчиларга касб йўналишлари бўйича берилаётган билим ва амалий кўникмаларни янада такомиллаштириш мақсадида республикамиздаги бир қатор тиббиёт олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари билан кенг ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Тошкент Тиббиёт академиясининг анестезиология ва реаниматология кафедраси профессор-ўқитувчилари ҳамкорлигида ташкил этилган навбатдаги тадбирда коллеж ўқитувчилари ва битирувчи ўқувчилар иштирок этишди. Семинар-тренингда "Касбий этика диеонтологияси", "Юрак-ўпка, мия реанимацияси замонавий тамойиллари" мавзуларида маърузалар тингланди. Тиббиёт академияси кафедраси мутахассислари реанимация бўлими, тезкор реанимацион чора-тадбирлар, унинг қон айланиши, нафас олиш ва юрак фаолиятини тиклашдаги аҳамияти, хусусан, юрак-ўпка ҳамда мия реанимацияси билан боғлиқ амалларни босқичма-босқич бажариш жараёнини амалий машғулотлар орқали кўрсатишди. Бўлажак тиббиёт ходимларига ушбу ўзига хос тиббий занжирнинг бемор ҳаётини тиклашдаги аҳамияти тушунтирилди.

Таъкидланганидек, ташкил этилаётган бундай семинар-тренинглар тиббиёт коллежи ўқитувчиларининг билим ва тажрибасини янада ошириш ва ўқувчиларнинг фанларни чуқур ўзлаштириб, келажакда малакали мутахассис бўлиб етишишларига хизмат қилади.

**Дилфуза ХОЛТЎРАЕВА,**
**талаба.**

# ҚИШЛОҚ ШИФОХОНАСИГА ЗАМОНАВИЙ ЖИҲОЗЛАР

*Мустақиллик йилларида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасига жуда катта аҳамият берилмоқда. Республика миқёсида 3000 дан зиёд қишлоқ врачлик пунктлари фаолият кўрсатаяпти. Уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.*



□ Туҳфа

Бунинг ёрқин исботини Паркент туманининг энг чекка ҳудудидаги Намданак қишлоқ врачлик пункти мисолида кўриш мумкин. Янги йил байрами арафасида Намданак қишлоғи аҳолиси қувончига қувонч қўшилди. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси саъй-ҳаракати билан грант асосида айнан ушбу қишлоқ врачлик пунктига умумий қиймати 42 минг 800 долларлик замонавий тиббиёт асбоб-анжомлари топширилди.

Маҳаллий аҳоли вакиллари, нуронийлар, шифокорлар иштирокида қишлоқ врачлик пунктида тадбир ўтказилди. Тадбирда сўз олганлар кўрсатилган бундай беғараз мурувват ёрдами учун мутасаддиларга ўз миннатдорчиликларини билдиришди.

**Тўйчи ДЎСМАТОВ.**
*З. ХОЛИҚОВ олган сурат.*

**2017 йил учун «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарига обуна бўлишни унутманг!**

Вилоятимиз ҳаётида кечаётган улкан ўзгариш ва янгиланишларни, бунёдкорлик ишларини биз билан биргаликда кузатинг!

# ВИЛОЯТ БЎЙЛАБ

## *Маҳорат машғулотлари*

**Қуйи Чирчиқ туманидаги 28-умумтаълим мактабида "Табиий фанларни ўқитишнинг замонавий методологияси ҳамда унинг муаммо ва ечимлари" мавзуида анжуман бўлиб ўтди.**

Туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими вакиллари ҳамда умумтаълим мактабларининг табиий фанлар ўқитувчилари иштирок этган тадбирда ўқитишнинг ўзига хос жиҳатлари ва таълим жараёнида виртуал лабораториялардан фойдаланиш усуллари, ўқувчиларнинг фанларга оид билимларини ошириш бўйича тажриба алмашилди.

Учрашув давомида педагогларга мавзу юзасидан саволлар берилиб, дарс ўтиш жараёнининг янги усуллари амалий машғулотлар асосида намойиш этилди.

**Холида РАҲИМЖОН қизи.**

## *Ёш тадбиркорлар учун сабоқлар*

**Мамлакатимизда ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, уларнинг интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, соҳада самарали фаолият кўрсатиши учун қулайлик ва имтиёзлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Бу борада "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши томонидан амалга оширилаётган ишлар эътиборга лойиқ. Ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан жойлардаги "Ёш тадбиркор" маслаҳат марказлари қошида "Бизнес клуб"ларнинг ташкил этилгани ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришда алоҳида аҳамият касб этди.

Хусусан, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Бўка тумани кенгаши қошидаги "Бизнес клуб"га молия, банк, солиқ ва бошқа тегишли ташкилотларнинг мутахассислари жалб этилган бўлиб, улар томонидан ҳудудлардаги касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка жалб этишга қаратилган интерфаол тадбирлар, семинар-тренинг ва мавзуга оид қизиқарли давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда.

Ана шу йўналишдаги навбатдаги тадбир тумандаги маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтди. Унда мутахассислар томонидан ёшларга маркетинг стратегияси, бозор муносабатлари, бизнес лойиҳаларни тайёрлаш, уларни кредитлашнинг муҳим жиҳатлари хусусида сўз борди. Шунингдек, ёшлар учун соҳага оид фойдали маълумотлар берилиб, тажрибали мутахассислар томонидан маҳорат дарслари ўтказилди.

**Умида ИСАЕВА.**

## *Маҳаллий хом ашёдан импорт ўрнини босувчи маҳсулот*

**Ташқи таъсирларга чидамли, иссиқлик ва совуқликдан ҳимояловчи ҳамда шовқинни тутиб турувчи базальтли хом ашёлардан тайёрланадиган махсус қопламалар мамлакатимизга асосан хориждан келтириларди.**

Бундан сал аввалроқ, "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик жамияти қошида яна бир янги цехнинг иш бошлаши билан импорт ўрнини босувчи ана шундай маҳсулотларни ўзимизда тайёрлаш имкони яралди.

Айни пайтда цех жамоаси мамлакатимиздаги йирик нефть ва газ, кимё ва кончилик саноати, қурилиш ҳамда халқ хўжалигининг кўпгина етакчи тармоқлари буюртмаларига асосан қаттиқ ва ярим қаттиқ турдаги материалларни пешма-пеш етказиб бермоқда.

Эътиборлиси, бу ерда маҳаллий хом ашёдан кенг фойдаланилаётгани ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлаш баробарида маҳсулот сифати ва таннархини мақбуллаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

## *«Китоб керакдур...»*

**Бугунги кунда мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёшларнинг бадиий адабиёт, ахборот ва ўқув дарсликларига талабини тўла қаноатлантириш мақсадида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари қошида ахборот-ресурс марказлари ташкил этилиб, зарур бадиий ва ўқув адабиётларнинг электрон нусхалари билан таъминланди. Шунингдек, таълим муассасалари ZiyoNET интернет тармоғига уланган.**

Коллежимиз ўқувчилари зарур дарслик, қўлланма ва адабиётлар тўғрисида электрон маълумот олиш ҳамда улардан фойдаланишлари учун барча шароитлар яратилган. Айни пайтда ахборот-ресурс марказимиз нафақат коллежимиз ўқувчиларига, балки аҳолига ҳам хизмат кўрсатмоқда.

Таълим муассасамизни вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси 2016-2017 ўқув йили учун бадиий ва сиёсий адабиётлар туркуми билан таъминлади. Улар бугунги ёш авлоднинг китобга меҳрини кучайтириб, тафаккурини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.

**Гўзал ҚОБИЛОВА,**
**Оҳангарон туманидаги Нуробод энергетика ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи ахборот-ресурс маркази раҳбари.**

❑ Рағбат

# БАРКАМОЛЛИК ЖОНКУЯРЛАРИ

*Жамият тараққиёти шахс камолоти билан боғлиқ экан, бу аввало, ҳар бир инсон юксак маънавиятга эга бўлиши зарурлигини англатади. Республикамиздаги кенг кўламли тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам шу эзгу мақсадга қаратилган бўлиб, бунда бир қатор жонкуяр юртдошларимизнинг хизмати катта.*

Хусусан, республика Маънавият ва маърифат кенгаши қарорига биноан Маънавият тарғибот маркази, Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, республика Байналмилал маданият маркази, "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган "Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси" кўрик-танлови ҳам шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Ўзбек Миллий академик драма театрида мазкур танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Шуниси қувонарлики, тақдирланганлар орасида Янгийўл технология-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Нилуфар Нормирзаева ҳам бор.

Тақдирлаш маросимидан сўнг иштирокчилар учун "Мирзо Улуғбек" спектакли намойиш этилди.

# ИҚТИДОРЛАР МАСКАНИ

*Мамлакатимизда ёшларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш мақсадида турли кўрик-танловлар ташкил этилмоқда. Яқинда бўлиб ўтган "Хонада учувчи самолёт моделлари" республика танловида Пискент туманидаги 38-умумтаълим мактаби ўқувчиси Азиз Баратов "Энг фаол иштирокчи" номинацияси бўйича тақдирланди.*

Танловларда муносиб қатнашаётган ёш истеъдоднинг ютуқларида Пискент тумани "Баркамол авлод" болалар маркази услубчиси Ф. Одилованинг ҳиссаси катта. Унинг таъкидлашича, марказда фаолият юритаётган "Бадиий ижод", "Ўлкашунослик ва экология", "Техник ижодиёт" тўгаракларида ўқувчи-ёшлар ўз қизиқишлари бўйича касб-ҳунар сирларини ўрганиб, билим ва кўникмаларини оширмоқдалар.

**«Тошкент ҳақиқати» мухбири Ш. БОЗОРОВА тайёрлади.**

❑ Ўзбекистон – умумий уйимиз

*Мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат вакиллари бор. Уларнинг тили, дини, урф-одати ва анъаналарини сақлаш, келажак авлодга етказиш мақсадида 140 дан ортиқ миллий маданий марказлар кенг кўламли фаолият олиб бормоқда. Хусусан, пойтахт вилоятида истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари миллий маданий марказларнинг энг фаол иштирокчиларидир. Улар Ўзбекистон Республикаси Бош Қомусида белгилаб қўйилганидек, бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.*

# ВАТАН АРДОҒИДА ЯШАШ БАХТИ



Зотан, ҳар бир миллат вакили ўз Ватани, мустақил Ўзбекистон ҳимоясида эканини яхши билади. Шу кунларда республика бўйлаб ўтказилаётган миллий маданий марказларнинг "Ўзбекистон – умумий уйимиз" фестивали ҳам бағрикенг диёримизда ҳар бир инсон эркин, озод, фаровон ва тинчлик-осойишталикда яшаш ҳуқуқига эга эканини тасдиқлаб турибди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мазкур фестиваль вилоятимиз шаҳар, туманларида ҳам уюшқоқлик ва кўтаринкилик руҳида ўтди.

Вилоят ҳокимлигида миллий маданий марказларнинг мувофиқлаштирув кенгаши йиғилишида ушбу фестивалнинг ўрни ва аҳамияти хусусида сўз борди. Республика Байналмилал Маданият маркази раҳбари Н. Муҳаммадиевнинг айтишича, Тошкент вилоятида маданий марказлар фаолияти яхши йўлга қўйилган. Мамлакат бўйича энг кўп миллий маданий марказлар вилоятимизда фаолият олиб боради.

Вилоят адлия бошқармаси раиси Лазиз Мусашайхов рўйхатдан ўтган 25 та миллий маданий марказлар фаолияти ҳақида сўзлар экан, уларнинг мамлакатимиз сиёсий ҳаётида, хусусан, яқинда бўлиб ўтган Президент сайловларидаги фаол иштирокини алоҳида таъкидлади. Бильакс, турли миллат вакилларининг якдиллик билан Ўзбекистоннинг ёрқин келажаги учун овоз бериши ватанпарварликнинг ифодасидир. Зеро, ҳар бир миллий маданий марказ раиси "Ўзбекистон Мустақиллигининг 25 йиллиги" эсдалик нишони билан тақдирлангани бежиз эмас. Қолаверса, келаётган 2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида миллий маданий марказлар фаолиятига 25 йил тўлади.

Жумладан, Чиноз туманидаги рус миллий маданий маркази раиси Любовь Гришинанинг айтишича, мустақилликнинг илк йиллариданоқ фаолият бошлаган маданият марказининг 200 дан зиёд фаоли бор.

– Миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, ривожлантириш борасида яратилган шароитлар туфайли тўгараклар мунтазам фаолият юритмоқда. "Рождество", "Масленница" каби миллий байрамларимиз ҳар йили "Надежда", "Парус", "Репка" каби ансамбларимиз иштирокида кўтаринки руҳда ўтади.

Вилоят корейс миллий маданий маркази раиси Виталий Кимнинг айтишича, вилоятда саккизта ана шундай марказ ишлаб турибди. Бу мустақил Ўзбекистонда турли миллат вакилларига кўрсатилаётган эътибор ва рағбат, яратилаётган шароит ва имкониятлар туфайлидир. Корейс тили, миллий рақс ва қўшиқларини сақлаш, ривожлантиришга хизмат қилаётган тўгараклар, фольклор ансамбллари етарли.

– Ҳар йили республика миқёсида ўтказиладиган корейс халқ қўшиқлари ва рақслари танловида, миллий спорт мусобақаларида, "Соллаль" – Янги йил, "Тано" – ёз байрамларида 300 дан зиёд қатнашчилар ўз маҳоратларини намойиш этади. Биз корейслар Ўзбекистон – бизнинг умумий уйимиз, дея фахр билан айта оламиз, – дейди у.

Янгийўл шаҳридаги татар миллий маданий марказига эса Аниса Гатауллина раҳбарлик қилади.

– Марказимизга 20 йилдан буён раҳбарлик қилиб келаман, – дейди у. – Кўпгина тенгдошларимиз ҳозирги кунда фахрийлар клубига қатнашади. "Олтин мерос" – "Золота наследие", "Оқ қайин" – "Белая береза" каби фольклор-этнографик ансамбларимиз бор. Ҳар йили май-июнь ойларида "Сабантуй", шунингдек, "Униш", "Чак-чак" байрамларимизда миллатдошларимиз мириқиб дам олишади, миллий куй-қўшиқларимизни ижро этишади. Ва, албатта, бу байрамларда ўзбек тилидаги куй-қўшиқлар барчага шодлик улашади...

Бугун таъкидлаганимиздек, вилоятимизда яна бир шодиёна – миллий маданий марказлар фестивали бошланди. Бу ҳақда газетамизнинг навбатдаги сонларида ҳикоя қиламиз.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Реклама ва эълонлар

Тошкент вилояти ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти "Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси"нинг 2016 йил 14 декабрдаги 46-сонли Баённомаси қарори билан:

Ўзбекистон Республикаси "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонунининг 22-моддасига асосан,

1. "DAMAS-TRANS" МЧЖга "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида автобусларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш учун берилган "АТ" серияли 000515 лицензиянинг амал қилиш муддати 2016 йил 15 декабрдан 10 (ўн) иш кунига тўхтатилди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти "Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси"нинг 2016 йил 9 декабрдаги 45-сонли Баённомаси қарори билан:

Ўзбекистон Республикаси "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонунининг 23-моддасига асосан,

1. "TOSH YORGAN SERVIS" МЧЖга "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида енгил автомобиллар ва микроавтобусларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган АТ серияли 000999 ва 000912 рақамли лицензияларнинг амал қилиш муддати 2016 йил 9 декабрдан тугатилди.

2. "OZODBEK-TRANSPORT-XIZMATI" МЧЖга "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида автобуслар, микроавтобуслар ва енгил автомобилларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган АТ серияли 000623, 000624, 000625 рақамли ҳамда "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳарда автобуслар ва микроавтобусларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган АТ серияли 000665, 000797 рақамли лицензияларнинг амал қилиш муддати 2016 йил 9 декабрдан тугатилди.

**"Respublika mulk markazi" МЧЖ "Toshkent mintaqaviy filiali" бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога Бўстонлиқ тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 3711-сонли йиғма ижро иши юзасидан хатланган, Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент шаҳрида рўйхатдан ўтган "Марям текстиль сервис" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, "MAN CLA 18.280 4x2" русумли, давлат рақами 10L458XAA бўлган, 2013 йилда ишлаб чиқарилган, автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич баҳоси - 153 850 000 сўм.

Савдога Ангрен шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан 2016 йил 23 сентябрдаги 12584/16-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, "Насаф" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, "Ваз-21011" русумли, давлат рақами 10U322GA, 1978 йилда ишлаб чиқарилган, автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич баҳоси - 2 369 034,40 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 18 январь соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2017 йил 16 январь куни соат 18.00 гача. Автотранспорт воситалари билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Respublika mulk markazi" МЧЖ "Toshkent mintaqaviy filiali"нинг АИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги х/р: 20210000300571452142, МФО 01036, ИНН 200933850 га тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома, чет эл юридик ва жисмоний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 19-уй. Тел.: 233-49-31. 233-28-52. www.rmm.uz.

Гувоҳнома № 001805.

**ТУЗАТИШ!**

"Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2016 йил 7 декабрь 98 (12942)-сонидаги "AUTO MEGA TRADE" МЧЖ томонидан чоп этилган эълоннинг "Аукцион савдоси 2017 йил 12 январь соат 11.00 да ўтказилади. Аукцион савдоси 2017 йил 13 январь соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар қабул қилиш (соат 10.00 дан 16.00 гача) аукцион бошланишидан (аризалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2017 йил 12 январь куни ўтказиладиган савдоларга 13 январь соат 16.00 гача; 10 январь куни ўтказиладиган савдоларга 11 январь соат 16.00 гача) олдин тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин" қисми "Аукцион савдоси 2017 йил 19 январь соат 11.00 да ўтказилади. Аукцион савдоси 2017 йил 20 январь соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар қабул қилиш (соат 10.00 дан 16.00 гача) аукцион бошланишидан (аризалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2017 йил 19 январь куни ўтказиладиган савдоларга 17 январь соат 16.00 гача; 20 январь куни ўтказиладиган савдоларга 18 январь соат 16.00 гача) олдин тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин." деб ўқилсин. Эълоннинг бошқа қисмлари ўзгартиришсиз қолдирилади.

**"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Янгийўл тумани СИБ томонидан, Тошкент вилояти, Хўжалик судининг 2012 йил 27 январдаги 11-12 31/1446-сонли буйруғига асосан, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Шўралисой ҚФЙ ҳудудида жойлашган, умумий қурилиш майдони 1513.70 кв.м. бўлган, қурилиши тугалланмаган бино иншооти такроран қўйилмоқда, бошланғич баҳоси - 474 597 000 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 4 январь соат 12.00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2017 йил 2 январь соат 18.00 гача.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Ko'chmas Mulk Savdo Xizmati" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО 01036, ИНН 207122519 х/р.га тўлашлари шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел./факс: 228-80-26.www.1kms.uz.

Лицензия RR-0001.

**"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент минтақавий филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига такроран Тошкент вилояти, Чиноз тумани СИБ томонидан ФИБ Қуйи Чирчиқ туманлараро судининг 2016 йил 12 августдаги ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Чиноз ҚФЙ, Гулзоробод ҳудудида жойлашган, ер майдони 255,6 кв.м ҳамда ер майдони 214,24 кв.м.дан иборат бўлган омборхона бино-иншоотлари қўйилмоқда, бошланғич баҳоси - 100 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 31 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 29 декабрь соат 16.00 гача.

Кўчмас мулк объекти билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон филиалидаги х/р.: 20208000404920609021, МФО 01036, ИНН 207122519 га тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, А. Авлоний кўчаси, 20-А уй. Тел./факс: (0-371) 253-20-28. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz.

Лицензия RR-0001.

**"Respublika mulk markazi" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

I. Аукцион савдосига Янгийўл тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти Хўжалик судининг 2015 йил 10 августдаги 11-1535/7979-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Халқобод қўрғонида сақланаётган қуйидаги тракторлар такроран қўйилмоқда:

1. "Кейс-8940" гил русумли, завод рақами 226155 бўлган, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси - 43 495 200 сўм.

2. "Кейс-8940" гил русумли, завод рақами 9092379 бўлган, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси - 43 495 200 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 4 январь соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2017 йил 2 январь соат 18.00 гача.

II. Аукцион савдосига Чиноз тумани СИБ томонидан, ЖИБ Чиноз тумани судининг 2016 йил 16 мартдаги 1-17-16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Чиноз тумани ИИБ ЙҲХБ жарима майдончасида сақланаётган, "Daewoo Racer" русумли, давлат рақами 10 N 977 KA бўлган, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз, оқ рангли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич баҳоси - 14 487 577 сўм.

III. Аукцион савдосига Ангрен шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Ангрен шаҳар судининг 2016 йил 17 июндаги 12718/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, "Насаф" МЧЖ жарима майдонида сақланаётган "Нексия" русумли, давлат рақами 10 D 551 JA бўлган, 2011 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич баҳоси - 24 551 344 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 19 январь соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2017 йил 17 январь соат 18.00 гача.

Автотранспорт воситалари билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "RMM" МЧЖнинг АИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги х/р: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850 га тўлашлари шарт. Савдоларда иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома, чет эл юридик ва жисмоний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш-1 кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rmm.uz.

Гувоҳнома № 001805.

## Хўжалик юритувчи субъектлар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453 "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, фермер хўжаликлари томонидан тақдим этиладиган 1-FX shakli (Фермер хўжаликлари фаолияти тўғрисида), шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардаги маҳалла фуқаролари йиғинлари томонидан 1-DX shakli (Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари фаолияти тўғрисида) давлат статистика ҳисоботи 2015 йилдан бошлаб йилда икки маротаба, яъни 1 июль ва 1 январь ҳолатига тақдим этилиши белгилаб ўтилган.

Шундан келиб чиқиб, фермер хўжаликлари томонидан давлат статистика тизимидаги 1-FX shakli, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардаги маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан 1-DX shakli ҳисоботларини 2017 йил 1 январь ҳолатига ҳисобот давридан кейинги ойнинг 3-санасидан, яъни 2017 йилнинг 3 январь кунидан кечиктирмасдан тақдим этилиши тўғрисида огоҳлантириб ўтамиз.

Давлат статистика кузатувини олиб бориш учун зарур бўлган ҳисобот ва бошқа маълумотларни тақдим этмасликда ифодаланган давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузиш, ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиш ёки ҳисоботларни тақдим этиш муддатларини бузиш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 215-моддасида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

1-FX shakli ва 1-DX shakli ҳисобот шакллари интернет тармоғи воситасида, давлат статистика ҳисоботлари электрон кўринишда йиғишнинг автоматлаштирилган тизими eStat 2.0 орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тақдим этилади. eStat 2.0 тизимида мавжуд давлат статистика ҳисоботларининг электрон шакли (шаблони)ни Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz расмий сайтидан олишингиз мумкин.

Ҳисобот тақдим этувчи фермер хўжаликлари ва ҚФЙ (МФЙ)лар рўйхатини Тошкент вилояти статистика бошқармасининг www.toshvilstat.uz сайтидан олишлари мумкин.

**Тошкент вилояти статистика бошқармаси.**

**"AUTO GARANT BUSINESS" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

2017 йил 18 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан Олмалиқ шаҳри, Улуғбек кўчасида жойлашган, "Давронбек" МЧЖда сақланаётган, 17.06.2016 йилдаги 6123-сонли ижро варақасига асосан хатланган ва таъмирталаб ҳолдаги: 1. 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 496 FAA бўлган "Маз504" русумли юк тортувчи автотранспорт воситаси ва 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 0714 AA бўлган, "Маз 9380" русумли ярим тиркама, бошланғич баҳоси - 21 517 000 сўм. 2. 1971 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 511 UAA бўлган, "Маз504" русумли юк тортувчи автотранспорт воситаси ва 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 0245 AA бўлган, "ППС14МТП8" русумли ўзи ағдарувчи тиркама, бошланғич баҳоси - 23 823 000 сўм.

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Аризалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2017 йил 18 январь кунидаги аукцион савдоси учун 2017 йил 16 январь соат 16.00 гача. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси - "Auto Garant Business" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904887305001, МФО 01103, ИНН 301829604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. www.agb.uz. Телефонлар: (371) 233-61-44, (+99895) 146-61-44.

Гувоҳнома № 004593.

Агар огоҳ сен...

# МУДҲИШ «ХУШХАБАР»ЛАР

Инсонга жуда кўп тухфалар бериб, эвазига ҳайрат туйғусини олиб қўяётган ахборот асрининг энг муҳим алоқа воситаларидан бири интернет эканини бугун етти ёшли бола ҳам яхши билади. Бир пайтлар эртакларда қаҳрамонни исталган манзилга шамолдан тез етказадиган сеҳрли тулпорлар ҳақида сўз борарди. Бугун ўша чўпчаклар ҳақиқатга айланиб, ахборотлар дунёнинг олис масофаларига кўз очиб юмгунча етиб бораётгани тараққиёт шиддатига шиддат қўшаяпти. Аммо, интернетнинг қулайликлари билан бирга салбий жиҳатлари ҳам талайки, бу ҳақда матбуотда кўп ва хўб ёзилди. Биз бугун глобал тармоқда урчиб бораётган яна бир ҳийла-найрангга эътиборингизни қаратмоқчимиз. Ахир, халқаро ахборот тармоғини бежиз "бутун дунё ўргимчак тўри" демайдилар. Тўрга тузоқ қўйиб, содда "ўлжа"сини интиқ кутаётганлар қанча...

Гап шундаки, ҳозир электрон почталарга такрор ва такрор бир хил мазмундаги "хушхабар"лар юбориш урфга кирди. Бу ҳолат интернетдан фойдаланувчиларга жуда яхши таниш бўлиб, инглиз ёки рус тилида тахминан шундай мактуб келади: "Ҳурматли Фалончихон, мен Фалон давлатдаги адвокатман. Менинг мижозим – машҳур миллионер жаноб Фистончи кутилмаганда оламдан ўтди. Унинг меросхўри йўқ. Узоқ изланишларимдан кейин Сизнинг шарифингиз унга яқинлигини аниқладим ва зудлик билан ушбу мактубни битмоқдаман. Мен жаноб Фистончига тегишли бўлган 250 миллион доллар миқдоридаги меросни сизга расмийлаштириб, адвокатлик хизматимга 15 фоизини олишим керак. Бунинг учун Сиз менга тўлиқ манзилингиз, банк ҳисоб-рақамингиз ва мерос ҳужжатларини расмийлаштиришим учун арзимаган 50 доллар миқдорида пул юборишингиз керак. Жавобингизни кутиб, ҳурмат билан, адвокат Фалончи".



Шу каби хатлар менинг электрон почтамга ҳам бир неча бор, турли тилларда, турфа манзиллар ҳамда шахслардан келиб туради. Қизиғи, ҳаммасининг мазмуни бирбирини айнан такрорлайди – "жонкуяр" адвокатга бор-йўғи 50 доллар юборасиз-у, икки кунда миллионерга меросхўр бўласиз! Дастлаб бу воқеага бепарво қарадим. Хатлар ой сайин кўпайиб боргач, ўйланиб қолдим: талаб бор жойда таклиф пайдо бўлади. Демак, бундай "хушхабар"ларга алданаётганлар топилаётган эканки, "уддабуронлар" ўргимчак тўридаги фаолиятини кенгайтириб, мазахўрак бўлишаяпти. Шу ўринда халқимизнинг асрлар оша тафаккур элагидан ўтган ғоят ҳаётий мақоли ёдга тушади: "Бир балоси бўлмаса шудгорда қуйруқ на қилур?!"

Эътиборли томони, юқоридагидай хатларда yahoo.com, gmail.ru каби сайтлар ва доменларда янги электрон почта очиш таклифлари ҳам келади. Шундай маълумотлардан кейин эси бор одам хушёр тортади: юртимиздаги ахборот хавфсизлиги билимдонлари имкон қадар uz доменидаги электрон почталардан фойдаланишни тавсия этаётганлари бежиз эмас экан-да! Бошқа давлатлар доменларидаги шахсий почтамиздан керак бўлса, устаси фаранглар бемалол фойдалана оларкан-да!

Юқоридаги каби хатларнинг кўпаяётгани орамизда осмондан тушадиган тасодифий бойликни кутиб яшаётганлар кам эмаслигини англатади. Шундай хом хаёлларга: "Меҳнат билан топилган пул биров берган миннатли бойликдан минг бора афзал!" дегимиз келади.

**Шоира БОЗОРОВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

# «ҚЎШҚАНОТБУВА»НИНГ МАНГУ ПАРВОЗИ

*Вақт дарёси тиним билмайди. Буюк воқеа-ҳодисалар абадиятга чекинади. Қадим шаҳарлар асрлар силсиласида емирилиб, ўрнида харобалар қолади. Тараққиёт тақозосида янги шаҳарлар бунёдга келади. Илк илм-маърифат изловчилар асос солган минг йиллик йўллар қайноқ ҳаёт тўлқинлари қанотида йўқликка юз тутади.*

Тошкент воҳаси: афсона ва ҳақиқат

Бироқ, табиатнинг мангу қонуни бор: ҳеч нарса йўқдан бор бўлмайди ва аксинча, бордан йўқ бўлмайди. Биз "йўқ бўлиб кетади" деб ўйлайдиган нарса ҳам ўзидан қандайдир из қолдиради, албатта.

Бўстонлиқ туманидаги Пском дарёсининг ўнг соҳилида, Нанай қишлоғи рўпарасида абадий яшилликка бурканган кўҳна ва муқаддас қадамжо бор. Кўпчилик у ҳақда ҳеч нарса билмайди. Аммо, биладиганлар табиатнинг бу ажабтовур масканига ўзгача муносабатда бўлишади. Бу ерда дарахтлар, тошлар ва майда жилғалар бир-бирлари билан табиий йўсинда уйғунлашиб кетган.

Мазкур муқаддас қадамжо Қўшқанотбува деб аталади. Нанай қишлоғи аҳолиси бу жойга юксак эҳтиром билдириб, энг эзгу тилак ва ниятлар билан қадам ранжида қилади.

У замонлардан буён кўп асрлар ўтди. Шош шаҳридан бошланиб, қадимий Шоҳжувор шаҳрига, бу ердан эса юқорига, Талас водийсига элтувчи карвон йўлларидан шоҳи мато, доривор зираворлар, турли газлама ва қимматли китоблар ортилган кўплаб карвонлар ўтган.

Йўловчилар Пском дарёсининг ложувард тўлқинларини ортда қолдириб, баланд тоғ сўқмоғидан юқорига кўтарилишдан аввал дарё устига солинган осма кўприк яқинидаги хушманзара жойда бир муддат тўхташган. Йўл шу ерда иккига айрилган. Бири ўнг томонга, гўзал Ардланкет шаҳри томон, иккинчиси тўғрига, Шоҳжувор шаҳрига йўналган. Йўловчилар шу ерда, дарёнинг юқори соҳилидаги баҳайбат дарахтлар соясида салқинлаб, дам олишган. Ва, албатта, беморларга шифо бахш этувчи табаррук Қўшқанотбуванинг бир йўла дуою фотиҳасини ҳам олишган.

Мазкур табаррук зот бу ерга қачон, қаердан, қандай келиб қолганини, афсуски, энди ҳеч ким аниқ-тайин айтиб беролмайди. Аммо, Капталкумушбува, Тошқанотбува каби бир қатор жойлар шу табаррук инсон номи билан боғланган.

Айтишларича, Қўшқанотбува одамларни турли хасталиклардан даволар экан. Бугун ушбу гўзал дарахтзорда тахминан XII-XIII асрларга тааллуқли қадимий деворларнинг ўрни сақланиб қолган. Шунингдек, араб тилидаги сўзлар ўйиб ёзилган ноёб тош ҳам бор.

Ўтган асрнинг 60-йилларида Нанай қишлоғида археология гуруҳлари тадқиқот ишларини олиб боришган. Ўшанда қатор қадимий ёдгорликлар, жумладан, Наҳайтепа (эрамиздаги VI-VII асрлар) ва эрамизнинг III-VIII асрларига тааллуқли қишлоқ ва овуллар аниқланиб, қайд этилган. Шунингдек, палеолит даврига оид ашёлар ҳам топилган. Энди археологлар мазкур топилмаларни ўрганишлари ва умумий хулоса чиқаришлари лозим.

Ҳозир эса, Қўшқанотбува муқаддас қадамжосидаги қадимий девор қолдиқлари ва бошқа топилмаларни ўрганишга оид муайян ишлар олим ва мутахассисларни кутиб турибди. Шу мақсадда археолог ва этнографлар ҳамкорликда иш юритишлари зарур. Шунингдек, бу жойни келгуси йилда ободонлаштириш ҳам режалаштирилмоқда.

Қўшқанотбува муқаддас қадамжоси фақатгина тарихий ёдгорлик эмас, балки табиат ёдгорлиги ҳамдир. Бу ерда ўсаётган дарахтларнинг ёши 100 ва ундан ҳам ошади.

Ушбу маскандаги гуллар, хатто, олмалар ҳам ўзгача ёқимли ис таратади. Олма дарахтлари шу қадар ширин ҳосил тугадики, залворидан ерга эгилган шохлари одамларнинг кўзларини қувнатиб, мафтун этади.

Қўшқанотбува шундай инсон бўлган. У одамларни юксак қадрлаган, қўлидан келадиган ёрдамини дариғ тутмаган, табиатни ҳам эъзозлаган. Бу инсоний фазилатлари билан бизни ҳам ҳаётда озода, соф ва меҳр-оқибатли бўлишга даъват этиб кетган. Бизнинг бурчимиз ушбу хушманзара ва муқаддас қадамжони авлодларга нафақат бус-бутун, балки янада ободонлаштирган ҳолда қолдиришдан иборатдир.

**Зарифа ЭШМИРЗАЕВА,**
**"Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси вилоят бошқармаси бошлиғи.**

**Моҳият**

## *Устоз азиз*

"Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила".

**Алишер Навоий.**

* * *

"Икки турли киши ҳақиқий киши аталади, бири – ўргатувчи, бири – ўқитувчи".

**Юсуф Хос Ҳожиб.**

* * *

"Назарий билимларни ё устозлар, ёки ҳикматлар ўргатадилар".

**Абу Наср Фаробий.**

* * *

"Устоз-муаллимсиз қолганда замон,
Нодонликдан қаро бўларди замон".

* * *

"Жаҳонда бўлмаса муаллим агар,
Ҳаёт ҳам бўлмасди гўзал бу қадар".

**Абдураҳмон Жомий.**

* * *

"Ўқитувчининг бутун фикри ўқувчиларида, ўзи сочган уруғларнинг ўсишидадир".

**Д. Менделеев.**

* * *

"Умуман, ўқитувчининг иши, унинг қайси синфда ва нимадан дарс беришидан қатъи назар, ижодий бўлиши лозим. Акс ҳолда унинг сўзи қолипга айланиб, ўқитувчининг ўзи оддий косибга ўхшаб қолиши мумкин. Мактабда содир бўладиган кўп камчиликларнинг илдизи, уларнинг асосий манбаи ҳам мана шунда!"

**Қори Ниёзий.**

* * *

"Ҳаёт йўлида биринчи масала – мактаб масаласидир".

**Фитрат.**




"Ошин" сериалида турмушнинг энг оғир шароитларида ҳам аёллар ўзликни унутмайдилар. Оиласи ва Ватанини тиклаш учун бутун кучлари билан меҳнат қилсалар-да, барибир аёлликларича қоладилар. Шу зиддият асарнинг таъсир кучини белгилайдиган асосий сабаблардан бири бўлган.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, кинодраматург миллий характер яратиш масаласига лоқайд ва бепарво қарамайди. Япон ва ўзбек миллатининг бетакрор урф-одатлари, қадриятлари ва маданияти бир-бирига жуда яқин эканини сериал орқали яна бир бор ҳис этамиз. Ўзбек аёллари ҳам табиатдан содда, очиқ кўнгил, ҳар бир нарсани ўзига яқин олувчи, куйдипишди бекалар ҳисобланади. Тарихдан маълумки, момоларимиз оғир меҳнатдан эзилган пайтларида ҳам чин севги, бурч, оила деган тушунчаларни муқаддас билишган. Қалбидаги исёнларни тўқиган гиламлари, тиккан кашталарида намоён этиб, қизи бор ва келин туширадиган хонадонларга ҳадя қилишган. Шундай тарих ҳақида асар ёзаман, фильм яратаман деган одамга булар камлик қиладими?

Ёки "Сарой жавоҳири"ни олиб кўрайлик. Оддий, жуссаси кичикина, лекин ғоят қалбга яқин корейс қизи Тангем... Бу образ ўзининг аниқ йўналишига эга. Унинг ҳис-ҳаяжонлари мутлақо ўзгача. Унда акс этган воқеалар фақат сарой билан боғлиқ кечса ҳам қаҳрамонлар жуда катта драматик ҳаёт йўлини босиб ўтадилар. Азалдан Шарқ мамлакатларида устоз ва шогирд анъаналари мавжуд бўлиб, бунинг гўзал намуналари ҳозирга қадар давом этиб келмоқда. Сериалда ана шу жиҳатлар юқори даражада таъсирли очиб берилганки, буни кўриб устозларга бўлган меҳримиз жўшади. Айниқса, сарой аҳлининг ҳаёти фақат саройда эмас, бозорлар, карвонсаройлар, бандаргоҳлар билан боғлиқ кечиши воқеаларнинг ҳаққоний чиқишига замин яратади. Кинодраматург бу асарни сокин ижодхонада эмас, оддий халқ орасида бўлиб, ҳаётни чуқур ўрганганидан кейин ёзгани шундоққина сезилиб турибди. Масалан, Тангем саройнинг энг яхши ошпази, ҳамшираси, катта бекаси бўлгунга қадар жуда кўп тўсиқлардан ўтади. Атрофдагиларнинг камситишларидан чўчимайди. Томошабинлар ҳам шу қаҳрамон билан бирга ёшликнинг бебаҳо онлари, севги йиллари, бевафолик дамлари, тавба ва афсусли дақиқаларни бошдан кечиришади. Энг асосийси, Тангем ўз ниятига етиши билан сериал якун топади.

Бугун радио, телевидение, матбуот орқали ёшлар маънавияти ва китобхонлик даражаси ҳақида кўп гапирилаяпти. Баъзилар маънавиятсизлик ва дидсизликнинг келиб чиқиш сабабларини замонавий техника воситалари билан боғласа, баъзилар маза-матрасиз фильмлар, енгил-елпи қўшиқларга тақайдилар. Лекин, корейс кино ижодкорлари суратга олган яна бир киноқисса – "Қиш сонатаси" бундай қарашларни инкор этади. Мазкур сериал замоннинг жуда муҳим муаммоларини кўтариб чиқмаган бўлса-да, бугунги томошабиннинг дунёқарашини ҳис этган ҳолда яратилгани юксак баҳога сазовор. Сценарий бўш ёзилган. Лекин ёш актёрлар ижросидаги ролларнинг таъсирчанлиги, ташқи қиёфанинг мутаносиблиги ва табиийлиги қалбимизга илҳом бахш этади. Ундаги айрим табиат манзаралари рассом чизиб, кўргазмага қўйган асарга ўхшайди. Латиф мусиқа оҳанглари ички дунёимизни бойитади. Биламиз, бундай яхши асарлар чексиз машаққат билан яралади.

Шу ўринда, дунё эътироф этган ўзбек фильмларини ҳам ном-ма-ном келтириб ўтишимиз мумкин. Аммо, яқин йилларда суратга олинган айрим киноларни юқорида келтириб ўтганларимиз билан солиштирганда, қалбимизда "нега" деган саволлар туғилди. Нега юртимизда шундай гўзал ва салобатли шаҳарлар, йирик маданият марказлари бўла туриб, кичик павильонларда кино олинмоқда? Нега миллий адабиётимиздаги асарларга мурожаат қилинмаяпти? Нега бугунги кунга ўз-ўзидан ва осонликча эришилмаганини биз, ёшларга фильм қаҳрамонлари тилидан баён қиладиган киноқиссалар кам?

Назаримизда, бундай саволларга жавоб топадиган вақт келди. Кундан-кунга томошабинларнинг диди ўсаяпти. Энди бир қолипдаги нарсалар билан кўпчиликнинг эътиборини тортиш қийин. Европа фильмлари ўз йўлига. Миллий адабиётимиз, тарихимиз саҳифалари жуда кўп ёрқин ҳодисаларга бой. Бугунги халқаро маданий алоқалардан фойдаланиб, кино-санъатимизни бутун дунёга тақдим этсак бўлади. Шунда хорижликлар мазмун-моҳияти бақувват фильмларимизни кўриб, уларда ҳам Ўзбекистоннинг тарихий ёдгорликларини келиб кўриш истаги туғилса, не ажаб!

**Адиба УМИРОВА.**

Бошланиши 1-бетда.

# 101 ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

***Мамлакатимизда "Ёнғин хавфсизлиги кунлари" давом этмоқда.***

Ушбу тадбир доирасида иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектлари, уй-жой фондини ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш ҳамда ўта муҳим давлат аҳамиятига молик объектларда хавфсизликни таъминлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилаётир. Хусусан, яқинлашиб келаётган Янги йил байрами шодиёналари ўтадиган жойларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масаласига ҳам жиддий эътибор берилмоқда.

Таъкидлаш жоиз, байрам арафасида шаҳар ва туманларимиз марказларида, корхона ва ташкилотларда, аҳоли гавжум жойлар ҳамда хонадонларда янги йил арчаси ўрнатилади. Арчани безатишда электр мосламалари, хусусан, ёниб-ўчувчи чироқлардан фойдаланилади.




Вилоят ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ва унинг бўлимлари томонидан ҳудудларда ўтказилаётган тадбирларда арчани ўрнатиш ва безаш жараёнларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш муҳим вазифалардан бири экани алоҳида таъкидланмоқда. Зеро, байрам тантаналари тинч ва осойишта ўтишини таъминлаш барчамизга катта масъулият юклайди.

**Вилоят ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси.**

Шахмат

*Қибрай туманида Конституциямизнинг 24 йиллигига бағишлаб мактаб ўқувчилари ўртасида шахмат турнири бўлиб ўтди. Унда 5-12 ёшдаги иқтидорли ўғил-қизлардан тортиб, нуроний ҳаваскорларгача ўзаро куч синашишди. Ўйинлар тизими швейцарча – 9 тургача қилиб белгиланди. Мусобақада юзга яқин ақл гимнастикаси соҳиблари маҳоратларини синовдан ўтказишди.*

# ВИЛОЯТИМИЗНИНГ БЎЛАЖАК ГРОССМЕЙСТЕРЛАРИ

Беллашувларда Фахриддин Сатторов, Нурилло Уралов, Ғайрат Тошматовлар шоҳсупанинг энг юқори поғоналарига кўтарилди. Шунингдек, ҳали ёш бўлишига қарамай, ўйинларда ўзининг ноёб иқтидорини намойиш этган Афзал Ташпараев, Шоҳида Одилова ва Самандар Шермуҳамедов каби шахматчиларга ҳам ҳайъат аъзолари томонидан юқори баҳо берилди.

Якунда ғолиблар Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими ҳамда вилоят шахмат федерациясининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.



**Абдулазиз МУСАЕВ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Холмурод САЛИМОВ
Назоратчи мусаҳҳиҳ Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-7750. Адади 6947. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 21.30.